



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIOVIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

8 (70) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

8 (70)

2024

август

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616-053.4-071.3

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ТАНА ВАЗНИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ: ЁШ ВА ЖИНС ЖИҲАТИДАН ҚИЁСЛАШ

¹Миришарпов Уткур Миришарпович <https://orcid.org/0000-0002-2862-0207>

²Шерманов Абдували Ортиқович <https://orcid.org/0009-0005-8657-5909>

¹Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон, 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фароби кўчаси 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

²Алфраганус университети, Ўзбекистон, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Юқори Қоракамиш кўчаси, 2А. +998 (95) 341-00-03 Email: info@bmtm.uz

✓ Резюме

Ушбу тадқиқотда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг тана вазни ва жисмоний ривожланиш даражаси таҳлил қилинди. Ўғил ва қиз болаларнинг вазн олиш жараёнидаги фарқлар, шунингдек, жисмоний ривожланиш даражалари ёш ва жинс жиҳатидан қиёсланиб, статистик аҳамиятли натижалар кўрсатилди. Тадқиқот натижаларига кўра, ўғил болаларнинг вазни 5 ёшдаги даврда қизларга нисбатан оғирроқ бўлган ($P < 0.05$). Шунингдек, тана вазни етишмовчилиги ва ортиқча вазнга эга болаларнинг фоиз тақсимооти ҳам таҳлил қилинди. Ушбу маълумотлар мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланишини яхшироқ тушуниш ва уларнинг соғлом ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: мактабгача ёшдаги болалар, тана вазни, жисмоний ривожланиш, ёш ва жинс фарқлари, соғлом ўсиш

АНАЛИЗ ВЕСА ТЕЛА И УРОВНЯ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА: СРАВНЕНИЕ ПО ВОЗРАСТУ И ПОЛУ

¹Миришарпов Уткур Миришарпович <https://orcid.org/0000-0002-2862-0207>

²Шерманов Абдували Ортиқович <https://orcid.org/0009-0005-8657-5909>

¹Ташкентская Медицинская Академия (ТМА) Узбекистан, 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

² Университет Алфраганус, Узбекистан, Город: Ташкент, Район: Юнусабадский, ул. Юқори Каракамыш, 2А <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ Резюме

В данном исследовании проведен анализ физического развития и массы тела детей дошкольного возраста от 3 до 7 лет. Рассмотрены различия в наборе веса между мальчиками и девочками, а также уровни физического развития с учетом возрастных и гендерных факторов. Результаты исследования показали, что мальчики в возрасте 5 лет имели большую массу тела по сравнению с девочками того же возраста ($P < 0.05$). Также был проанализирован процент детей с недостатком и избытком массы тела. Эти данные важны для лучшего понимания физического развития детей дошкольного возраста и обеспечения их здорового роста.

Ключевые слова: дети дошкольного возраста, масса тела, физическое развитие, возрастные и гендерные различия, здоровый рост.

ANALYSIS OF BODY WEIGHT AND PHYSICAL DEVELOPMENT LEVEL OF PRESCHOOL CHILDREN: COMPARISON BY AGE AND GENDER

¹Mirsharapov Utkur Mirsharapovich <https://orcid.org/0000-0002-2862-0207>

²Shermanov Abduvali Ortiqovich <https://orcid.org/0009-0005-8657-5909>

¹Tashkent Medical Academy (TMA) Uzbekistan, 100109, Tashkent, Almazar district, st. Farobi 2, phone: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

²Alfraganus University, Uzbekistan, City: Tashkent, District: Yunusabad, st. Yukori Karakamysh, 2A <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ **Resume**

This study analyzes the physical development and body weight of preschool-aged children from 3 to 7 years old. The differences in weight gain between boys and girls, as well as the levels of physical development considering age and gender factors, are examined. The results indicate that boys at the age of 5 had a higher body weight compared to girls of the same age ($P < 0.05$). Additionally, the percentage distribution of children with underweight and overweight conditions was analyzed. This information is crucial for better understanding the physical development of preschool-aged children and ensuring their healthy growth.

Key words: *preschool-aged children, body weight, physical development, age and gender differences, healthy growth*

Долзарблиги

Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва тана вазни уларнинг соғлом ўсиши ва умумий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг тана вазни ва жисмоний ривожланиши уларнинг овқатланиши, жисмоний фаоллиги ва генетик омилларига боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларни кузатиш ва уларнинг жисмоний ривожланишини таҳлил қилиш орқали соғлом ўсиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин [6].

Биринчидан, овқатланиш болаларнинг соғлом ривожланиши учун асосий омилдир. Тўғри ва мутавозин овқатланиш болаларнинг тана вазнини ва жисмоний ривожланишини қўллаб-қувватлайди. Мева-сабзавотлар, оксиллар ва соғлом ёғлардан иборат диета болаларнинг тўғри ўсишига ёрдам беради [1]. Бундан ташқари, витамин ва минераллар, хусусан, кальций ва витамин D, болаларнинг суякларнинг мустаҳкам бўлиши ва умумий саломатлик учун зарурдир [3].

Иккинчидан, жисмоний фаоллик ҳам болаларнинг жисмоний ривожланишига таъсир қилади. Мактабгача ёшдаги болалар учун кундалик жисмоний машғулотлар ва ўйинлар муҳимдир. Жисмоний фаоллик болаларнинг мускуллари ва суякларини мустаҳкамлашга, ҳаракат координациясини ривожлантиришга ва умумий фаоллик даражасини оширишга ёрдам беради [2]. Жисмоний фаолликнинг етишмаслиги болаларнинг семизликка мойиллигини ошириши ва уларнинг умумий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин [5].

Учинчидан, генетик омиллар ҳам болаларнинг жисмоний ривожланишига таъсир қилади. Болаларнинг ота-оналари ва уларнинг генетик мероси уларнинг тана вазни ва умумий жисмоний ривожланишига таъсир қилиши мумкин. Генетик омилларнинг тушуниш болаларнинг индивидуал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, уларга мослашган озиқланиш ва жисмоний фаоллик режаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради [4].

Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланишини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали соғлом ўсиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин. Доимий ва даврий тиббий кўриклар ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини назорат қилиш болаларнинг соғлиги ва фаровонлигини сақлашга ёрдам беради [7].

Тадқиқотнинг мақсади: Болаларнинг тана вазнидаги ўзгаришларни ва жисмоний ривожланиш даражасини аниқлашдир. Бунда ўғил ва қиз болаларнинг вазн ортишидаги фарқлар ва уларнинг жисмоний ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар ўрганилди.

Материал ва усуллар

Ушбу тадқиқотда мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва тана вазнини таҳлил қилиш учун бир қатор методлар қўлланилди. Тадқиқотда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 200 нафар бола иштирок этди. Болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилиб, болаларнинг овқатланиш тартиби, жисмоний фаоллиги ва уйку одатлари ҳақида маълумотлар йиғилди. Болаларнинг тана вазни ҳар ойда ўлчанди. Тана вазнини ўлчаш учун стандартлаштирилган электрон тарозилар қўлланилди. Ҳар ойда болаларнинг бўй узунлиги ҳам ўлчанди. Бу учун стандарт метрлардан фойдаланилди. Ёш ва жинс бўйича болаларнинг вазн ва бўй ўзгаришлари таҳлил қилинди. Статистик таҳлиллар SPSS дастури ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқот натижаларини аниқ ва тушунарли қилиш мақсадида графиклар ва диаграммалар тайёрланди. Бу методлар ёрдамида болаларнинг жисмоний ривожланишини аниқлаш ва уларнинг соғлом ўсиши учун зарур шарт-шароитларни баҳолаш имконияти пайдо бўлди.

Натижа ва таҳлиллар

Болаларнинг ёш ва жинсга қараб тана вазни ва жисмоний ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатди. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг тана вазни ва жисмоний ривожланиши қуйидаги натижаларни кўрсатди: қиз болалар ўртача 5,9 кг ва ўғил болалар эса 5,5 кг вазн олишди. Ўғил болаларда вазн ортиши даражаси қуйидагича бўлди: 4-5 ёшда 1,69 кг (9,8%), 5-6 ёшда 2,0 кг (11,8%), 6-7 ёшда 0,81 кг (4,8%). Қиз болаларда эса вазн ортиши тезлиги ўғил болаларникига яқин бўлиб, 4-5 ёшда 0,97 кг (5,8%), 5-6 ёшда 1,78 кг (10,7%), 6-7 ёшда 1,6 кг (9,7%) ни ташкил қилди. Ўғил болалар 5 ёшдаги даврда бир хил ёшдаги қизларга нисбатан оғирроқ бўлган. Болаларнинг 5 ёшдаги жинсий фарқлари t-тест ёрдамида аниқланди. t-тест натижаларига кўра, 5 ёшдаги ўғил болаларнинг вазни қиз болаларникига нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада юқори эканлиги аниқланди. Бу фарқнинг аҳамиятли эканлиги Р қиймати орқали баҳоланади. Ушбу тадқиқотда $P < 0.05$ бўлди, яъни 5 ёшдаги ўғил болаларнинг вазни қиз болаларникига нисбатан юқори бўлиши тасодифий эмас, балки статистик жиҳатдан аҳамиятлидир. Ушбу натижалар болаларнинг ёш ва жинс бўйича тана вазнидаги фарқларни тушунишга ёрдам беради. 5 ёшдаги ўғил болаларнинг қиз болаларникидан оғирроқ бўлиши кўп омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, генетик омиллар, озиқланиш тартиби ва жисмоний фаоллик даражаси. Бу натижа ижтимоий ва тиббий соҳаларда болаларнинг соғлиғини яхшилаш учун муҳим ҳисобланади. Масалан, болаларнинг ёш ва жинс бўйича тана вазни ва жисмоний ривожланишини кузатиш ва мувофиқ озиқланиш ва жисмоний машғулотлар режасини ишлаб чиқиш мумкин.

Болаларнинг ёшга қараб тана вазни ўзгаришлари SPSS дастури ёрдамида ўрганилди. Бу дастур статистик таҳлилларни амалга оширишда кенг қўлланиладиган восита бўлиб, ушбу ҳолатда ANOVA (ўзгарувчанлик таҳлили) орқали болаларнинг вазнидаги ўзгаришлар аниқланди. ANOVA таҳлили болаларнинг ёш гуруҳлари ўртасидаги вазн ортишидаги ўзгаришларни аниқлашга ёрдам берди. Бу таҳлил болаларнинг ёшга қараб вазн ортишидаги фарқларни кўрсатишга имкон беради. Болаларнинг бўй узунлиги ҳам ёшга қараб ўзгарди. Ўғил болаларда бўй узунлиги 4-5 ёшда 3,2 см, 5-6 ёшда 4,1 см, 6-7 ёшда 2,9 смга ошди. Қиз болаларда эса 4-5 ёшда 3,0 см, 5-6 ёшда 3,9 см, 6-7 ёшда 3,1 смга ошди (1- ва 2-жадваллар).

1-жадвал

Ёш ва жинс бўйича болаларнинг вазн ортиши

Ёш гуруҳи (Йиллар)	Ўғил болаларнинг вазн ортиши (кг)	Қиз болаларнинг вазн ортиши (кг)
4-5	1,69 (9,8%)	0,97 (5,8%)
5-6	2,0 (11,8%)	1,78 (10,7%)
6-7	0,81 (4,8%)	1,6 (9,7%)

2-жадвал

Ёш ва жинс бўйича болаларнинг бўй узунлиги

Ёш гуруҳи (Йиллар)	Ўғил болаларнинг бўй узунлиги (см)	Қиз болаларнинг бўй узунлиги (см)
4-5	3,2	3,0
5-6	4,1	3,9
6-7	2,9	3,1

Тадқиқот натижалари болаларнинг 10% ида тана вазни етишмовчилиги мавжудлигини кўрсатди. Тана вазни етишмовчилиги болаларнинг умумий соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолат озиқланиш етишмовчилиги, жисмоний фаоллик камлиги ёки генетик омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тана вазни етишмовчилиги болаларнинг иммун тизими камайишига, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолишига олиб келиши мумкин.

Болаларнинг 15% ида ортиқча вазн мавжудлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ортиқча вазн болаларнинг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ортиқча вазн кўпинча озиқланиш тартибидаги хатолар, жисмоний фаоллик камлиги ёки генетик омиллар билан боғлиқ бўлиши

мумкин. Ортиқча вазн болаларда қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари ва бошқа саломатлик муаммоларига олиб келиши мумкин.

Хулоса

Тадқиқот натижалари мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва тана вазнида ёш ва жинсга қараб фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Болаларнинг тана вазни ва бўй узунлигидаги ўзгаришлар уларнинг овқатланиши, жисмоний фаоллиги ва генетик омилларга боғлиқ бўлиб, соғлом ўсиш учун муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг 10% ида тана вазни етишмовчилиги ва 15% ида ортиқча вазн мавжудлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар болаларнинг соғлом ўсиши учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари болаларнинг жисмоний ривожланишини яхшироқ тушунишга ва уларнинг соғлом ўсиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради. Болаларнинг овқатланиши, жисмоний фаоллиги ва генетик омилларига эътибор бериш орқали уларнинг соғлом ўсиши таъминланиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Brown A., Taylor R. (2018). The impact of nutrition on preschool children's growth. //Journal of Pediatric Health, 2018;45(3):123-134.
2. Garcia L., Martinez P. (2022). Early intervention in childhood development: Importance and implications. //Child Development Research, 2022;50(2):78-92.
3. Johnson D., Williams S. (2019). Growth hormone activity in preschool children. //Endocrine Studies, 2019;66(1):45-57.
4. Lee K., Kim H., Park J. (2021). Correlation between length, weight, and BMI in early childhood. //Pediatric Research Journal, 2021;48(6):290-300.
5. Miller T. (2017). Endocrine health and nutritional status in young children. //Clinical Pediatric Endocrinology, 2017;32(4):200-211.
6. Smith J., Brown P., Clark R. (2020). Longitudinal study of physical development in children aged 3 to 7 years. //Growth and Development Journal, 2020;55(9):101-115.
7. Thompson L. (2020). Monitoring growth patterns in preschool children. //Pediatric Health Monitoring, 2020;36(5):210-220.

Қабул қилинган сана 20.07.2024